

## ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРДАГИ БЕГОНАЛАШУВНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

Жумаева Гулжаҳон Ўраловна

Термиз давлат университети Психология кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6751662>

**Аннотация.** Ушбу мақолада оилавий муносабатлардаги бегоналашув жараёнининг ижтимоий психологик омиллари, бегоналашувнинг оилавий ҳаётда пайдо бўлиш сабаблари, инсон ҳаёт тарзининг ривожланиб, технологияларнинг ютуқлари ҳисобланган уй-рўзгор техникаларининг ҳар бир оилага кириб келиши оилавий муносабатларга ҳам бевосита таъсир кўрсатаётганлиги ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** оила, муносабатлар, бегоналашув, фан-техника, психологик омиллар, ижтимоийлашув.

## СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ ОТЧУЖДЕНИЯ В СЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЯХ

**Аннотация.** В данной статье освещаются социально-психологические факторы процесса отчуждения в семейных отношениях, причины отчуждения в семейной жизни, развитие образа жизни человека и непосредственное влияние проникновения в каждую семью бытовой техники, являющейся прорывом в технологиях.

**Ключевые слова:** семья, отношения, отчуждение, наука и техника, психологические факторы, социализация.

## SOCIO-PSYCHOLOGICAL FACTORS OF ALIENATION IN FAMILY RELATIONS

**Abstract.** This article highlights the socio-psychological factors of the process of alienation in family relationships, the causes of alienation in family life, the development of a person's lifestyle and the direct impact of penetration into each family of household appliances, which is a breakthrough in technology.

**Key words:** family, relationships, alienation, science and technology, psychological factors, socialization.

## КИРИШ

Оила инсон зоти яратилганидан бошлаб давом этиб, инсоният тарихининг ҳамма даврларида ҳар қандай тузум ва шароитда ҳам кишиларнинг асосий ва муҳим ҳамда шарафли қадриятларидан ҳисобланади. Оила инсоннинг бахт-саодатини таъминловчи кўрғондир. Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжихатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро, оила фаровонлиги – миллий фаровонлик асосидир. Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму-ҳаё, меҳру-оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланган.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Бугунги кунда ҳам ана шу анъаналарни давом эттириб, ўзбек оилалари оиланинг соғлом иқлими, ота-онанинг бир-бирига меҳри ва ҳурмати шароитида, оила бағрида фарзандларини эл-юртининг муносиб ўғил-қизлари, Ватанининг ҳақиқий содиқ фуқароси

бўлиб вояга етишларида жон куйдирмоқдалар. Шунинг учун ҳам ўзбек халқида “куш ўз уясида кўрганини қилади” деб, бежизга айтилмаган, бунда чуқур маъно-мазмун бор.

Оила жамиятнинг асосий негизи. Соғлом оила муҳитини яратиш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш эса соғлом келажак демакдир. Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор.

Статистик маълумотларга кўра 2021 йил 4 ой давомида 12 806 та оилавий ажрашиш бўлган, оилавий ажрашишлар сони олдинги йилга нисбатан 4897 тага кўп бўлган. Ушбу маълумотдан кўриниб турибдики ажралишлар сони ортиб бормоқда. Ёшлар орасида никоҳ, оила муносабатларини кўриб чиқиш, уларни оилавий ҳаётга тўғри тайёрлаш, оилавий ажримларнинг сабабини тушунишга ҳаракат қилишимиз керак. Оиланинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган сабаблардан бири бу бегоналашувнинг пайдо бўлиши оилавий муносабатларга салбий таъсир қилади.

#### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Бегоналашувнинг оилавий ҳаётда пайдо бўлишининг бир неча сабаблари мавжуд. Бир томондан, турмуш тарзимиз ривожланиб, технологияларнинг ютуқлари ҳисобланган уй-рўзғор техникалари ҳар бир оилага кириб келди. Технологиялар туфайли одамлар бир-бирига яқинроқ ва оилавий юмушларни бажаришда қулай имкониятларга эга бўлишди. Бошқа томондан, одамлар бир-бирларидан жуда узоқлашдилар. Учрашув, ўтириш ва юракдан суҳбатлашиш ўрнига, одамлар бир-бирига қисқа хабар ёзадилар. Демак, жуда катта миқдордаги тушунмовчилик мавжуд, чунки ҳар ким ёзилган нарсани ҳар хил тушунади! Ҳозир кўп одамлар тизимга мувофиқ яшайдилар: мен бир қулоғим билан тинглайман - иккинчиси эса телефонда, бир кўзим билан қарайман - иккинчиси эса компьютерда. Ҳиссий муносабатлар оила аъзолари орасида нотўғри талқин қилинса, бир-бирларини тушуниш қийинлашади ёки тушуниш учун вақт ажратишни истамайдилар. Бегоналашувнинг пайдо бўлиши нафақат эр-хотинлар ўртасида, балки ота-она ва фарзандлар муносабатларида ҳам содир бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришган даврдан буён меҳнат миграцияси миллионлаб одамлар учун ҳаёт стратегиясига айланиб қолди. Этник, сиёсий, ижтимоий, гендер масалаларига ёндашувлар ва ўз мамлакатада ҳаёт сифатини яхшилашга бўлган умидлар каби омиллар ушбу ҳодисанинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда мигрант ота-онанинг фарзандлари кўпинча васийлар вазифасини бажаруви қариндош-уруғлар, оила аъзоларининг қарамоғида қоладилар. Бундай болалар ривожланиш нуқсонлари, ҳиссий муаммоларга дуч келиши мумкин бўлиб, бунда ота-оналарнинг сафардалиги болага ғамхўрлик қилишда муаммолар туғдиради. Ота-оналарнинг миграцияси, хусусан, боланинг таълимига, соғлиғига ва ижтимоий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши кузатиш мумкин. Ота-оналарнинг сафарда бўлиши боланинг овқатланиши, таълим олиш даражасига салбий таъсир қилиши ҳамда депрессия ҳолатини келтириб

чиқариши мумкин бўлган уй юмушлари ва унинг зиммасига юклатилган масъулият боланинг эрта улғайишига сабаб бўлади.

2018 йил декабр ойида ЮНИСЕФ Европа Иттифоқининг «Жануби-Шарқий, Жанубий ва Марказий Осиёда миграция таъсирига учраган болаларни ҳимоя қилиш» минтақавий лойиҳаси билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг Бухоро, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм вилоятларини ўз ичига олган тўрт ҳудудда (шаҳар ва қишлоқ жойларида) «Миграциянинг болаларга салбий таъсири» деб номланган тадқиқотнинг натижаларидан қуйидаги маълумотлар олинди.

### **МУҲОКАМА**

Ота-оналарнинг миграцияси болаларнинг ҳиссий ҳолатига салбий таъсир қилади. Тахминан 33 фоизи ўзини бахтсиз ҳис қилади, 21 фоизи эса доимий хавотирда яшайди. Сўровда қатнашган болаларнинг ярми ота-оналари кетгандан сўнг дарҳол кайфиятларининг ёмонлашгани ҳақида хабар беришган. Сўровда қатнашган болаларнинг 33 нафари оилавий фермада ишлаш, укаларига ғамхўрлик қилиш ва ота-оналари зиммасида бўлган бошқа уй юмушларини бажариш каби мажбуриятлар кўламининг кенгайганлиги тўғрисида хабар беришди. Оилада улар зиммасига тушган жавобгарликнинг ортиши болаларнинг кайфиятига салбий таъсир қилади, натижада бунда улар ўз ота-оналарини айбдор санашиб, улардан руҳан узоқлашишни бошлашади. Ҳамда болаларнинг асосий қисми ота-оналарининг ҳаёт йўлларини такрорламаслик учун таълим олишни давом эттириш зарурлигини тадқиқот сўровномаларида таъкидлаганлар.

### **ХУЛОСА**

Бугун ўзгарган замонамизга хос бўлган хусусиятларига жадал ҳаракатланиш, шиддат ва жўшқинлик, яратиш ва бунёдкорлик завқи, одамларнинг кучли томонларига таяниш, касбий профессионализмни узлуксиз такомиллаштириб бориши, мақсадни аниқ белгилаш, ҳар бир бошланган ишни охирига етказиш, ватанпарварликни халққа меҳр-мухаббат қўйиш асосида намоён этиш, миллий-маънавий кадриятларга садоқат, тинчликни кафолатли таъминлашнинг гарови, деб ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни билиш ва уни кучайтириш, тирноқдан кир кидириш эмас, балки инсон тақдирига масъулиятли ёндашиш, бағрикенглик, шавқатлилиликни намоён қилиш, барча соҳа ва йўналишларда адолатга қатъий риоя этиш, кучли ижтимоий сиёсатни олиб бориш, ҳар бир инсон ҳаётини бахтли ва фаровон қилиш, Оллоҳ берган табиатни асраш, оила кадриятини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, тарбия жараёнларида ота-она, педагог, раҳбар, маҳалла фаолларининг шахсий ибрат омилига таяниш ва бошқаларни киритиш мумкин.

### *Фойдаланилган адабиётлар*

1. Каримов Б.Ш., Шахслараро муносабатларда меҳрлилик даражасини рақамлаш технологияси. Journal of Social Studies. 2020. vol. 3.
2. Муҳаммадиев Б., Оила — муқаддас кўрғондир. Ҳидоят.уз. 2019 йил
3. Исмаилова Р., Оилани қандай сақлаб қолиш мумкин? . <https://api.moiti.uz/>
4. 2018 йил декабрь ойида ЮНИСЕФ Европа Иттифоқининг «Жануби-Шарқий, Жанубий ва Марказий Осиёда миграция таъсирига учраган

болаларни ҳимоя қилиш» минтақавий лойиҳаси. Тошкент, Email: delegation-uzbekistan@eeas.